

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛНЯ АКАДЕМИЯСИ  
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙҚУЛОВ САДИРДИН КАРИМОВИЧ**

**СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молня, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторский (DSc)диссертации**

**Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Худойкулов Садирдин Каримович**

Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини

тақомиллаштириш ..... 3

**Худайкулов Садирдин Каримович**

Совершенствование методологии прогнозирования налоговых

поступлений ..... 35

**Khudaykulov Sadirdin Karimovich**

Improvement of methodologies for forecasting tax revenues ..... 67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 72

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙҚУЛОВ САДИРДИН КАРИМОВИЧ**

**СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/1qt168 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алпамарданов Мухамаджон Ибрагимович  
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оponentлар:

Тошматов Шухрат Амонович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўллатов Дилшод Ҳақбердиевич  
иқтисодиёт фанлари доктори

Хотамов Комил Раббимович  
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкалот:


Тошкент молчи институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молчи академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги 27.06.2017.1.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «30» январь соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz)

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молчи академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 53 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).


Диссертация автореферати 2019 йил «16» 01 кун тарқатилди.

(2019 йил «16» 01 даги № 3 рақамли реестр баённомаси)




  
А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор



У.В. Гафуров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

  
Н.М. Махмудов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг барча давлатларида бюджет жараёнини тўғри режалаштириш ва улар орқали тегишли соҳаларни молиялаштиришни амалга ошириш бюджетнинг даромадлар қисмига пул маблағларининг бир маромда келиб тушишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолат, аввало, бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишини тўғри прогноз қилишга бевосита боғлиқ бўлиб, айнан шу жараённинг ташкилий-услубий жиҳатдан мақбул тарзда амалга оширилмаслиги бюджет ижросида юқори даражадаги тақчилликни келтириб чиқаради. Нуфузли молиявий институтларнинг таҳлилларига кўра, 2016-2017 йилларда дунё бўйича давлат бюджетининг тақчиллиги ўртача 2,7 трлн. АҚШ долларига тенг тўлган бўлса, дунё иқтисодиётидаги умумий берқарорлик аксарият давлатларда давлат бюджети даромадларини тўғри режалаштиришга имкон бермаяпти<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда жаҳонда солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш борасида кўп босқичли бюджетларга солиқ тушумларининг келиб тушиш жараёнларини прогнозлаш, бюджет харажатлари даражаси ва ҳолатини прогнозлашда математик-статистик ёндашувларни такомиллаштириш, тараққиётнинг турли даражасидаги давлатларда солиқ сиёсатининг самарадорлиги таҳлили, солиқлар бўйича солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали бюджет тақчиллигини бошқариш сингари илмий-тадқиқот йўналишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, мураккаб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида иқтисодий ўсишга солиқ тизимининг таъсирини ошириш, япни ички маҳсулотга нисбатан давлат ташқи қарзи даражасига мувофиқ ҳолда солиқ тушумларини прогнозлаш, солиқлардан кутилаётган тушумларни макроиқтисодий таҳлилларга асосланган ҳолда амалга ошириш, бюджетни қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш жараёнларини такомиллаштириш каби илмий тенденциялар кузатилмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш, шу орқали бюджет даромадларининг бир маромда шакллантиришга эришишдан иборат. Бироқ, «айни вақтда ўтказилган таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, маҳаллий ҳокимликлар, молия-солиқ органлари томонидан бюджетга қўшимча солиқ тушириш борасидаги резервлар ҳали ҳам тўлиқ ишга солинмаяпти»<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

<sup>1</sup> [www.imf.org/ru/Publications/FM/Issues/fiscal-monitor](http://www.imf.org/ru/Publications/FM/Issues/fiscal-monitor).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мираҳмедовнинг 2018 йил 5 июнь куни ҳудудларда бюджетга қўшимча тушумлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда инфляциянинг олдини олишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, солиқ ва молия идоралари раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масалаларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқи. [www://uz.uz/oz/laws/406-06-2018](http://uz.uz/oz/laws/406-06-2018).

фармонида бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаш фаолиятни такомиллаштириш, хуудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ камраб олишни таъминлаш, хуудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ тўлаш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослигини баҳолаш, даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш борасида етарлича муаммолар мавжудлиги ва ушбу жараёнларни такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган. Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларнинг ҳали тўлақонли равишда субвенциядан чиқарилмаганлиги, солиқларни прогноз қилиш ва бюджетни режалаштириш жараёнлари ўртасида узвий боғлиқликнинг етарли даражада эмаслиги, амалиётда бюджетнинг даромадлари режалаштирилаёт-ганда солиқ салоҳиятининг деярли эътиборга олинмаслиги, ўз навбатида, солиқларни прогноз қилиш ва бюджетни тузиш жараёни ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги таъминлашга хизмат қилувчи яхлит механизмни шакллантириш, унинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда янги методологик муаммоларини ҳал этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фасл тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида», 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Солиқларни прогноз қилиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Federal Reserve System (FRS), The Administrative and Budgetary Administration (UN), The International Finance Corporation (IFC), International Development Association (IDA), US Congressional Budget Office, Department of

Administrative Services – Office of Economic Analysis Oregon, Department of US Economic Development (AQSH), Philippine Institute for Development (Филиппин), Deutsches Institut für Wirtschaftsforschung (DIW, Германия), The Oxford Institute for Economic Policy (OXONIA, Англия), Economist intelligence Unit (EIU) (Англия), The Fraser Institute (Канада), Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН (Россия) томонидан амалга оширилмоқда.

Солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда бир қатор илмий натижалар олинган: жумладан, Canadian Finance Department's Canadian Economy Model (NAOMI, 2001) асосида Канаданинг уч босқичли: федерал, муниципал ва маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари, солиқ тушумларининг бюджетларга келиб тушиш жараёнлари прогнози амалга оширилган, шунингдек, бюджет харажатларининг ҳолати ҳам прогноз кўрсаткичлари математик-статистик тенгламалар асосида аниқланган; «Intergovernmental Macroeconomic Model of the UK National Institute for Economic and Social Research» (NiGEM, 2001) модель доирасида Европа давлатларида солиқ тизими борасидаги сиёсатининг самарадорлиги таҳлили, эгри ва тўғри солиқлар бўйича солиқларни прогноз қилиш жараёни, бюджет тақчиллигини бошқариш жараёнининг солиқлар бўйича солиқ ставкаларининг ўзгартиришига боғлиқлиги асосланган; «Macroeconomic model of the International Monetary Fund» (MULTIMOD, 1998) деб номланган моделда корхоналарни солиққа тортишда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва капиталларини солиққа тортиш масаласи, давлатлар ташқи қарзининг яли ички маҳсулотга нисбатан даражасига қараб ўзгариши асосида солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларига таъсири кўрсатиб берилган; ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини аниқлашда ҳудудий ёндашув ва унинг бюджетлар ўртасидаги тафовутларни қисқартириш муаммолари хусусидаги таҳлиллар, тармоқлар доирасида солиқ ставкаларининг оширилиши маҳсулот нархига таъсир этиши орқали солиқ тушумларига таъсирини баҳолашга оид илмий тадқиқотлар «Xaleeva-Walley model of taxation research» (2005) доирасида амалга оширилган.

Жаҳоннинг йирик илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида солиққа тортиш, жумладан, солиқ тушумларини прогнозлаш билан боғлиқ куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: халқаро савдо, энергетик муаммолар, инвестициялар, айниқса, Европа, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ ва Осиё давлатларида рўй берган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози натижаларининг солиқ тушумларига таъсирини баҳолаш, йирик ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий фаолиятига оид қисқа ва узоқ муддатли прогнозлаш жараёнлари билан давлат бюджетининг солиқли даромадлари прогнози ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш, миллий иқтисодиётга оид комплекс прогнозлаш, солиқлардан қутилаётган тушумларни макроиқтисодий таҳлилларга асосланган ҳолда амалга ошириш, бюджетни қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш

жараёнларини такомиллаштириш, иқтисодий ўсишга солиқ тизимининг таъсирчан ролини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ тушумларини прогноз қилишнинг илмий-методологик жиҳатлари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган<sup>3</sup>. Жумладан, П.Самуэльсон, М.Романовский, О.Врублевская, С.Попков, Г.Поляк, А.Поскачева, М.Астафьев, А.Королев, С.Анисимов, Т.Суркова, С.Анисимов, Д.Мельник, Н.Матрусов, А.Коломиец, А.Суглобов, Д.Черник, В.Едророва, М.Васильева, Е.Разник, И.Самсонова, Е.Лаврентчук, С.Ефимов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида солиқ тушумларини прогноз қилишнинг айрим амалий ва назарий жиҳатлари Ш.Тошматов, Н.Жумаев, Т.Маликов, Н.Хайдаров, М.Алимарданов, Б.Тошмуродова, Э.Гадоев, Н.Кузиева, О.Иминов, О.Олимжонов, А.Жўраев, А.Шернаев, А.Мусағалиев, И.Эргашев, М.Усмонова, Ж.Урмонов, Ш.Собиров, М.Абишев, С.Элмирзаев, М.Мирзаев, У.Пардаев ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика-М.: Лаборатория Базовых Знаний, 2000.; Налог и нало: обложение. – 5-е изд. / Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. – СПб.: Питер, 2006. –С. 309.; Попков Сергей Юрьевич. Налоговое прогнозирование и планирование в системе управления бюджетом : на примере бюджета города Москвы: диссертация ... кандидата экономических наук.; Поляк Г.Б., Паскачева А.Б., Астафьев М.П. Бюджет и бюджетная система: Учебник для вузов. М.: Юрайт, 2010. – С. 111.; Суркова Т.И., Анисимов С.А., Корольев А.Ю. Факторный анализ показателей исполнения бюджета и макроэкономических показателей. Финансы, № 6, 2002.; Мельник Д.Ю., Сосновский С.Н. Налоговое планирование: международные аспекты // Налоговый вестник, № 6 1998, с.103.; Матрусов Н.Д. Региональное прогнозирование и региональное развитие России. М., 1995. С. 156., Коломиец А.Л. Анализ концептуальных подходов и методов оценки налогового потенциала региона // Налоговый вестник. 2000. № 2.; Суглобов А.Е. Экономическое содержание налогового потенциала в современных моделях экономического развития // Налог и налогообложение. 2009. № 7. Черник Д.Г. Налог и налогообложение. Учебное пособие. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-311с.; Едророва, В.М. Прогнозирование налоговых поступлений в субъекте Российской Федерации/ В.М. Едророва, Н.Н. Акимов // Финансы и кредит. – 2008. – №17 – 51-54 с.; Васильева М.В. Методы налогового прогнозирования на макроуровне / М.В.Васильева // Управленческий учет. – 2011. – №6 – 63-73 с.; Разник Е.Д., Самсонова И.А. Прогнозирование и планирование в налогообложении: Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2006. 14с.; Лаврентчук Е.Н. Налоговое прогнозирование. Экономические науки 2011, 1(74); Ефимов С.С.Формирование системы налогового прогнозирования и планирования на макроуровне. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.- Орёл, 2014. 22 с.

<sup>4</sup> Тошматов Ш.А. Корпоративни ривожлантиришда солиқларнинг роли. Монография.-Т.: Фан ва технология, 2008.-204 б.; Шернаев А.А. Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўрта муддатли истиқболлини белгилаш масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2009. -20 б.; Мусағалиев А.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2009. -23 б.; Эргашев И.О. Миллий бозорни ҳимоялашда акция солиғини ҳисоблаш услубийтини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2011. -22 б.; Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсирини. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2008. -20 б.; Урмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясида самарали фойдаланиш истиқболлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2010. -23 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224 б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодийни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б. Элмирзаев С. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ мубосабатларини самарали ташқиқ этиш масалалари. Монография. Т.:2017. 153 б. Пардаев У.Ў. Давлат бюджетини прогнозлантириш услубийтини такомиллаштириш. иқтисодийт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2018 й. Мирзаев М.Солиқ йиғилувачилигини ҳисоблашнинг услубийти ва амалияти. www. Biznes-daily.uz/ru/biznesexpert.15687/.



Бирок, қайд этиб ўтилган илмий тадқиқот ишларида солиқларни прогноз қилиш жараёнининг айрим назарий жиҳатлари, баъзи солиқ турлари бўйича тушумларни прогнозининг оддий усулдаги кўрсаткичлари қисқача ҳолатда кўриб ўтилган бўлиб, солиқларнинг прогнозига хос барча муҳим жиҳатлар, яъни, солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий жиҳатлари, унинг тамойиллари, амалга ошириш босқичлари, прогноз жараёнига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир доираларини замонавий эконометрик таҳлилларга асосланган ҳолдаги қонуниятлари деярли ёритилмаган. Шу жиҳатдан, солиқ тизимининг муҳим ва мураккаб бўғини ҳисобланган бюджетга солиқ тушумларини прогноз қилишни комплекс равишда илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишга илмий зарурат мавжуд.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Ўзбекистонда банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари» (2013-2018 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига солиқ тушумларини прогноз қилишнинг методологик муаммоларини тадқиқ қилиш ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

солиқларни прогноз қилишнинг иқтисодий моҳиятининг янгича талқинини бериш ва ушбу жараёнининг молия-солиқ тизимидаги аҳамиятини асослаш;

солиқларни прогноз қилишни ташкил этиш ва амалга оширишнинг тамойилларини ишлаб чиқиш;

солиқларни режалаштириш ва прогноз қилиш жараёнининг ўзаро боғлиқлик компонентларини аниқлаш;

солиқларни прогноз қилишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг прогноз жараёнига таъсир даражаларини баҳолаш;

Республикамизда солиқларни прогноз қилиш жараёнига хос хусусиятларни таҳлил қилиш ва улардан келиб чиққан ҳолда илмий хулосалар олиш;

солиқ салоҳияти категориясининг моҳиятини ёритиш, унинг даражасига таъсир этувчи омилларни гуруҳлаш;

миллий, ҳудуд ва солиқ тўловчилар доирасида солиқ салоҳиятини аниқлашнинг янгича вариантдаги методологиясини ишлаб чиқиш ва бюджетни режалаштиришда солиқ салоҳиятидан фойдаланиш истиқболларини кўрсатиб бериш;

солиқ тўловчиларда солиқ тўловларини режалаштириш билан боғлиқ механизмлар ишлаб чиқиш;

бюджетни режалаштириш ва солиқларни прогноз қилишнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини кўрсатиб бериш;

солиқ тушумларини прогноз қилиш ва солиқ салоҳиятини баҳолашнинг хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва уларни қиёслаш;

солиқ тушумларининг ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолашнинг эконометрик таҳлилларини амалга ошириш, унинг натижаларини аниқлаш;

солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий ва амалий тақлифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси молия, солиқ хизмати ва бошқа молия-кредит органларининг давлат бюджетига солиқ тушумлари прогнозини амалга ошириш бўйича фаолияти таъланган.

Тадқиқотнинг предметини давлат бюджетига солиқ тушумларининг келиб тушишини прогнозлаш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, дедуктив усул, таҳлилни мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий модели прогноз жараёнининг изчиллиги ва тизимлигини таъминловчи «мақсад – мақсадга мувофиқ жараён – оптимал натижа» триадасига асосланган таркибни киритиш орқали такомиллаштирилган;

солиқ салоҳияти ва бюджет тизимининг ўзаро алоқадорлигини солиқ сиёсатининг адолатлилиги тамойилининг мувозанат сифатида ўрнатилишини таъминлаш талаблари асосида миллий иқтисодий ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини баҳолаш услуги ишлаб чиқилган;

бюджет тизимига кирувчи бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи солиқ турлари бўйича, уларнинг фискал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда солиқ тушумларини прогноз қилиш модели ишлаб чиқилган;

корхоналарнинг солиқ тўловларини тўлаш имкониятини баҳолашнинг ўзаро боғлиқ ташкилий-амалий компонентларини қамраб олган солиқ мажбуриятини бажариш модели ишлаб чиқилган;

муайян солиқ турлари кесимида турли омиллар таъсирчанлиги даражасининг муҳимлик коэффициентлари асосида корреляцион боғлиқлик жадвали ишлаб чиқилиб, унинг воситасида давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

солиқларни прогноз қилишни иқтисодий моҳиятининг янгича талқини берилган ва ушбу жараённинг молия-солиқ тизимидаги аҳамияти асосланган, уни амалга оширишнинг тамойиллари ишлаб чиқилган;

солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг макро ва микро даражада амал қилиши, ўзаро боғлиқлик компонентлари ва уларнинг

давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда унинг самарадорлигини таъминлашдаги роли асослаб берилган;

корхоналар доирасида солиқ мажбуриятларини бажаришнинг етарлилик коэффициенти ва солиқ салоҳиятини аниқлаш усулини қўллаш таклиф этилган;

солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўлланиладиган модель ва усулларнинг хусусиятлари, улардан фойдаланишдаги ўзига хос ёндашувлар кўрсатиб берилган;

солиқларнинг ялпи ички маҳсулот, нарх, инвестициялар билан ўзаро боғлиқлик хусусиятлари очиб берилган ва уларнинг солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги роли асослаб берилган;

солиқ тушумларини прогноз қилишда натижага таъсир этувчи омилларнинг қисқа ва узоқ муддатли ўзаро боғлиқлик ҳолати бўйича эконометрик таҳлилларга асосланган натижалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, тегишли расмий интернет сайтлари маълумотларидан олинган ҳамда дахлдорлиги бўйича хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий босқич, таҳлилий босқич, амалга ошириш босқичи ва якуний босқичдан иборат ташкилий-услубий модели бюджет-солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёнига амалиётда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 16/2-13262-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномалари). Натижада солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини амалга оширишдан кўзланган мақсад – солиқ тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг объективлиги ва тўғрилигини таъминлашга олиб келган;

миллий иқтисодиёт ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини аниқлаш услуги бюджет-солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги энг муҳим бўғинлардан бири бўлган солиқ салоҳиятини баҳолаш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 16/2-13262-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномалари). Мазкур услубни амалиётга жорий қилиниши натижада республика ва ҳудудлар миқёсида солиқ салоҳиятини аниқ баҳолаш имкониятини берган ва унга асосланган ҳолда турли даражадаги солиқ салоҳиятини баҳолаш орқали солиқ тушумларини тўғри прогнозлаштиришга эришилган;

солиқ турлари бўйича солиқ тушумлари прогнозини амалга ошириш модели бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришда тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда бюджет тизимида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномаси). Мазкур моделнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида бюджет тизимига кирувчи бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи солиқ турлари бўйича уларнинг фискал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда солиқ тушумларини прогноз қилишнинг услубий асослари такомиллашган;

корхоналарда солиқ мажбуриятини бажариш модели республикадаги солиқ тўловчи корхоналар амалиётида фойдаланишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 15 майдаги 1443/04-16-1-сон маълумотномаси). Мазкур моделнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида корхоналарда юзага келиши мумкин бўлган дебиторлик ва кредиторлик тўловларининг ўз вақтида бартараф этилиши, молиявий маблағлар ҳаракатининг тўғри бошқарилиши, корхоналар молиявий бошқарув жараёни самарадорлигининг ошиши, солиқ мажбуриятларини бажармаганлик учун молиявий жавобгарликнинг олдини олиниши ҳамда давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўз вақтида келиб тушиши таъминланган;

«Солиқ тушумларини прогноз қилишда омилар таъсирининг корреляцион боғлиқлик жадвали»га асосланиш борасидаги таклиф бюджет-солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёнига амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 12 июндаги 16/2-13262-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги ДС/03-04-08/4188-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиш орқали солиқ тушумларини прогноз қилишда энг муҳим босқичлардан ҳисобланган прогноз кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларнинг даражасини аниқлашга, пировардида эса, солиқ тушумларини прогноз қилишдаги якуний натижаларнинг ишончилигини таъминлашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та жумладан, 9 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Солиқларни прогноз қилишнинг назарий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобда солиқларни прогноз қилишнинг моҳияти, унинг объектив зарурлиги таъминловчи омиллар, ўзига хос белгилари, мақсад ва вазифалари, солиқларни прогноз қилиш тамойиллари, прогнознинг башорат тушунчасидан фарқи, солиқларни прогноз қилиш жараёнининг эволюцион ривожланиш жараёнлари баён этилган.


Муаллифнинг фикрича, ҳар қандай иқтисодий фаолият қилинган харажатлар ва унинг натижаларини баҳолаш, бошқача сўз билан айтганда фаолиятини таҳлил қилиш ва прогнозлашга асосланади. Диссертацияда башорат ва прогноз каби тушунчалар илмий категориялар сифатида ўхшаш бўлсада, аммо жараён (ҳодиса, муносабат, воқеълик)ларнинг келгусидаги ҳолатини изоҳлашда ички мазмуни жиҳатдан фарқланиши, бу фарқланиш уларнинг моҳияти билангина эмас, шунингдек, уларда қўлланиладиган усул ва натижаларнинг ишончлилиги билан изоҳланиши кўрсатиб берилди. Тадқиқот доирасида солиқларни прогноз қилиш жараёнининг зарурлиги асослаб берилди.



1-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг зарурий омиллари<sup>5</sup>

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Солиқларни прогноз қилишнинг объектив зарурлигининг негизи, аввало, марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилишга боғлиқ бўлади ва фискал сиёсатнинг асосий ўзагини ташкил этади. Солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёни бошқа иқтисодий жараёнлардан алоҳида муҳим фарқи ва мураккаблиги шундаки, солиқни прогнозлаш жараёни бир томондан, юқори эҳтимолликка асосланса, бошқа томондан ушбу жараённи тўғри амалга ошириш жуда кўплаб омилларнинг таъсирини тўғри баҳолаш ва чуқур илмий таҳлилларга асосланган ҳолда оқилона қарор қабул қилишни талаб этади. Албатта, солиқларни прогноз қилиш жараёни маълум таркибга эга бўлади.



2-расм. Солиқларни прогноз қилиш жараёнининг таркибий тузилиши<sup>6</sup>

Солиқларни прогноз қилиш жараёни, аввало, солиқ тўловчиларнинг юзага келиш жараёнларини прогноз қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга келиб тушишини прогноз қилиш, миллий иқтисодиёт, ҳудуд, тармоқлар ва алоҳида олинган солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш ҳамда бюджетни режалаштириш ва солиқларни прогнозлаш натижаларини боғлиқлигини таъминлашдек, ўзаро боғлиқ ва кетма-кетликка асосланган жараёнлардан иборат.

Диссертацияда солиқларни прогноз қилиш тушунчасига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар танқидий таҳлил этилган ҳолда такомиллаштирилган муаллифлик ёндашув асосланди. Фикримизча, солиқларни прогноз қилиш деганда солиқ тўловчиларнинг юзага келиши, миллий иқтисодиёт, ҳудуд, тармоқлар ва алоҳида олинган солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга келиб тушишининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш асосида бюджетни режалаштиришга оид муҳим натижавий ахборотларни тақдим қилиш ҳамда бюджетни режалаштириш ва солиқларни прогнозлаш натижаларини боғлиқлигини таъминлашдек, ўзаро боғлиқ ва кетма-кетликка асосланган жараёнлар тушунилади.

Ушбу бобда шунингдек, солиқларни прогноз қилиш жараёни ҳам маълум мезонларга асосан (кўламига, объектларни қамраб олиши, функционал белгиси ва муддатлигига кўра) гуруҳланиши, шунингдек, мавҳумлилик, эҳтимоллилик, омиллар таъсирида бўлиши, таҳлиллар ва

<sup>6</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

илмий асосланганлик, муқобил вариантларда бўлиши, олдиндан кўра билиш ва олдиндан айтиш тамойилига боғлиқлик каби ўзига хос белгиларга эгаллиги асослаб берилди.

Солиқларни прогноз қилиш тамойиллари аввало жараёнлар ва илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг умумий тамойилларига асослансада, шу билан биргаликда унинг ички хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз хусусий тамойилларига ҳам эга. Шу жиҳатдан, диссертация ишида солиқларни прогноз қилишда амал қилиниши лозим бўлган тамойиллар тизими ишлаб чиқилди ва уларнинг прогноз жараёнидаги аҳамияти кўрсатиб берилди.

Диссертация ишида солиқларни прогнозилаш ва режалаштириш (тушунча) жараёнларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, макро ва микро даража амал қилиши ва уларнинг ўзаро таъсири жараёнлари очиб берилди (3-расм).



3-расм. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг макро ва микро даража амал қилиши ва уларнинг ўзаро таъсири<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Солиқларни прогноз қилиш ҳам режалаштириш ҳам давлат бюджети жараёнига хизмат қилиб, улар бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий категориялар сифатида бюджет-солиқ сиёсатининг ядросини ташкил этади. Аммо солиқларни режалаштириш иқтисодий муносабатлардаги ўрни юзасидан прогноз жараёнига нисбатан бирламчи ҳисобланади. Шу жиҳатдан, *солиқларни режалаштириш* давлат бюджет-солиқ сиёсатининг асосий таркибий қисми сифатида давлатнинг солиқ ва фискал сиёсатининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди ҳамда у таркибий жиҳатдан солиқларни жорий этиш, солиқ ставкаларини белгилаш, уларнинг даражаларини ўзгартириш, солиқ имтиёзларини бериш (бекор қилиш), солиқларни ундириш, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари билан ҳуқуқий-меъёрий нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу жарёнларни тартибга солиш) мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий йўналишлари**» деб номланган бўлиб, унда солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўлланиладиган модель ва усулларидан фойдаланишнинг услубий асослари, солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш жараёни тенденциялари ёритилган.

Диссертантнинг ёндашувида кўра, солиқларни прогноз қилиш жараёнида энг муҳим босқичлардан бири уни амалга оширишда қўлланиладиган модель ва усулларни аниқлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш ҳисобланади, унда жуда кўплаб усуллардан фойдаланишни талаб этади, солиқларни прогноз қилиш жараёнини соддалаштириш, унинг натижалари аниқлигини ошириш ва мақсадга эришиш учун маълум моделлар ва усулларни тўғри танлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Диссертация ишида солиқни прогноз қилишда қўлланиладиган модель ва усулларни қўллашнинг назарий таҳлили амалга оширилган бўлиб, жадвал амалиётида солиқларни прогноз қилишда энг кўп қўлланиладиган модель ва усуллардан солиқ тушумларини прогноз қилишда фойдаланиш масалалари ва ушбу усулларнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари, уларнинг камчиликлари ҳамда улардан Ўзбекистон солиқ тизимида фойдаланиш йўналишлари кўрсатиб берилди.

Солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий механизмида солиқ тушумларини даврий ва оралик жиҳатдан ҳамда солиқ тушумлари ҳажмига омилли таҳлилни амалга ошириш муҳим саналади. Шу боисдан ҳам молиявий, номолиявий, миқдорий, сифат ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий таҳлил жараёнида кўп қўлланиладиган мутлақ ўзгариш даражаси, ўртача мутлақ ўзгариш даражаси, ўзгариш суръати, қўшимча ўзгариш суръати, ўртача ўзгариш суръати каби таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган ҳолда солиқ тушумларининг таҳлили амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига солиқ тушумларининг охириги ўн йиллик кўрсаткичларига асосланган ҳолда солиқ тушумларининг мутлоқ ўсишининг базисли ва занжирли ҳолати ҳамда унинг тезланиш даражалари таҳлили қуйидагиларни тавсифлайди (1-жадвал).



**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг солиқли тушумларининг базисли ва занжирли ўсиш суръатлари таҳлили<sup>8</sup>**

| Йиллар | Бюджет даромадлари<br>(млрд. сўм) | Базисли мутлоқ ўсиш<br>(млн. сўм) | Занжирли мутлоқ ўсиш<br>(млрд. сўм) | Мутлоқтезланиш,<br>(млрд. сўм) | Нисбий тезланиш,<br>(коэффициент) | Занжирли ўсиш<br>суръати(%) | Занжирли ўсиш<br>тезланиши, (%) | 1% ўсишни мутлоқ<br>қийметги (млрд. сўм) | Тезланиш суръати |
|--------|-----------------------------------|-----------------------------------|-------------------------------------|--------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------|---------------------------------|------------------------------------------|------------------|
| A      | 1                                 | 2                                 | 3                                   | 4                              | 5                                 | 6                           | 7                               | 8                                        | 9                |
| 2005   | 3433,5                            | -                                 | -                                   | -                              | -                                 | -                           | -                               | -                                        | -                |
| 2006   | 4148,4                            | 714,9                             | 714,9                               | -                              | -                                 | 120,8                       | 20,8                            | 34,3                                     | 0,20821          |
| 2007   | 6145,0                            | 2711,5                            | 1996,6                              | 1281,7                         | 2,79283                           | 148,1                       | 48,1                            | 41,4                                     | 0,58150          |
| 2008   | 8760,8                            | 5327,3                            | 2615,8                              | 619,2                          | 1,31012                           | 142,6                       | 42,6                            | 61,4                                     | 0,76184          |
| 2009   | 10840,2                           | 7406,7                            | 2079,4                              | -536,4                         | 0,79493                           | 123,7                       | 23,7                            | 87,6                                     | 0,60562          |
| 2010   | 13596,7                           | 10163,2                           | 2756,5                              | 677,1                          | 1,32562                           | 125,7                       | 25,7                            | 135,9                                    | 0,80282          |
| 2011   | 17061,3                           | 13627,8                           | 3464,6                              | 708,1                          | 1,25688                           | 125,4                       | 25,4                            | 170,6                                    | 1,00905          |
| 2012   | 21295,6                           | 17862,1                           | 4234,3                              | 769,7                          | 1,22216                           | 124,8                       | 24,8                            | 212,9                                    | 1,23323          |
| 2013   | 26223,0                           | 22789,5                           | 4927,5                              | 693,2                          | 1,16371                           | 123,1                       | 23,1                            | 262,2                                    | 1,43512          |
| 2014   | 31729,6                           | 28296,1                           | 5506,6                              | 579,1                          | 1,11752                           | 121,0                       | 21,0                            | 317,2                                    | 1,60378          |
| 2015   | 36493,3                           | 33059,8                           | 4763,7                              | -742,9                         | 0,86508                           | 115,0                       | 15,0                            | 364,9                                    | 1,38741          |
| 2016   | 41043,4                           | 37609,9                           | 4550,1                              | -213,6                         | 0,95516                           | 112,4                       | 12,4                            | 410,4                                    | 1,32520          |

1-жадвалдаги маълумотлар базис йили ва ундан кейинги йилларда Давлат бюджетининг базисли мутлақ кўрсаткичлари (даромадлари) доим ўсиб борганлигини кўрсатади. Таҳлил қилинган йиллар оралиғида мутлақ ўсишнинг ўртача даражаси 16324,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, ўртача мутлақ ўсиш миқдори эса 3419,0 млрд.сўмга тенг бўлган. Ўз навбатида, ўртача ўсиш (1382,6/11) 125,6 фоизни ташкил этиб, унинг ўсиш тезланиши эса 25,6 фоизга тенг бўлган. Бу кўрсаткичлар Давлат бюджетига солиқ тушумлари бўйича ўртача даромадларнинг тушиши 16324,4 млрд.сўмни ташкил этиб, унинг миқдори ҳар йили ўртача 3419,0 млрд.сўмга ошиб бораётганлиги ва ўсиш суръати эса 25,6 фоизни ташкил этаётганлигини изохлайди. Шунингдек, жадвал маълумотлари занжирли мутлақ ўсиш кўрсаткичлари эса динамик ҳолатида бузилиш бўлганлигини кўрсатади, агар жадвални кузатадиган бўлсак, 2009, 2015 ва 2016 йилларда паст даражага эга бўлган ва мутлақ тезланиш кўрсаткичи манфий кўрсаткични ташкил этганлигини кўрсатади.

Солиқ тушумларини таҳлил қилишда солиқларнинг йиғилувчанлиги ҳолати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Солиқларнинг йиғилувчанлиги бу ўз навбатида солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши даражаси ҳамда солиқларнинг фискал функциясини ифодалайди.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ва солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси таҳлили (млрд.сўм)<sup>9</sup>**

| Кўрсаткичлар                                                          | 2007й | 2008й | 2009й | 2010й | 2011й | 2012й | 2013й  | 2014й  | 2015й | 2016й | 2017 й |
|-----------------------------------------------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|--------|--------|-------|-------|--------|
| Жами бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари                         | 5973  | 8559  | 10421 | 13221 | 16178 | 21093 | 25104  | 30168  | 36184 | 40505 | 44469  |
| Давлат бюджети жами даромадлари ижроси                                | 6145  | 8760  | 10840 | 13596 | 17061 | 21295 | 26223  | 31729  | 36493 | 41043 | 49 684 |
| Давлат бюджетига солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичлари бажарилиши (%) | 2,8   | 2,0   | 4,0   | 2,8   | 5,4   | 0,9   | 4,4    | 5,1    | 0,8   | 1,3   | 11,7   |
| Давлат бюджетига солиқ тушумлари прогноз ва ижро кўрсаткичлари фарқи  | 172,0 | 201,0 | 419,0 | 375,0 | 883,0 | 202,0 | 1119,0 | 1561,0 | 309,0 | 538,0 | 5215,0 |
| Солиқ тўловчиларига берилган солиқ имтиёзлари                         | 1184  | 1753  | 2221  | 2495  | 5127  | 6400  | 7636   | 10175  | 12084 | 5263  | 5417   |
| Давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик сўммаси             | 201,4 | 260,4 | 246,5 | 228,2 | 234,4 | 344,7 | 364,7  | 434,8  | 470,8 | 550,4 | 2806,7 |
| Солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси (фоиз)                            | 96,7  | 97,0  | 97,7  | 98,3  | 98,6  | 98,4  | 98,6   | 98,6   | 84,0  | 98,6  | 94,3   |

2-жадвалдан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига солиқ тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таҳлил қилинаётган давр мобайнида бажарилиб келинаётган бўлсада, 2012, 2015 ва 2016 йилларда аввалги йилларга нисбатан кескин камайиш ҳолатига эга бўлган. Ўз навбатида, 2012 ва 2015 йилларда давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик даражасига ҳам аввалги йилларга нисбатан анча юқори бўлган. Бинобарин, солиқ қарздорлиги эса ўз навбатида солиқларнинг йиғилувчанлик даражасига салбий таъсир этади.

Таҳлилимизга асос бўлган юқоридаги жадал маълумотларидан кўринадики, 2010-2014 йилларда солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ўртача 98,0 фоизни ташкил этган. Солиқларнинг йиғилувчанлик даражасининг таҳлил қилинаётган давр бўйича энг паст кўрсаткичи 2015 йилга тўғри келган бўлиб, унинг даражаси 84,0 фоизни ташкил этган, бунга сабаб, прогноз кўрсаткичининг бажарилиши ҳам ушбу йилда 0,8 фоизга тенг бўлган. 2017 йилда гарчи, солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичи бажарилиши

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

таҳлил қилинаётган йилларда энг юқори кўрсаткич-11,7 фоизни ташкил этган бўлсада, ушбу йилда солиқ қарздорлиги сўммасининг аввалги йилларга нисбатан 5,0 мартадан ошиқ бўлганлиги сабабли солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ҳам 2014 ва 2016 йилларга нисбатан 4,0 фоиздан кам кўрсаткични ташкил этган.

Демак, солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси бир томондан солиқ тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг ижобий бажарилишини ифодаласа, бошқа томондан, солиқ қарздорлигининг бюджет даромадлари ҳажмига салбий таъсир этганлигини ҳам тавсифлайди.

Диссертация ишида солиқларни прогноз қилиш жараёни солиқларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), нарх, талаб ва таклифнинг эгилувчанлиги билан боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, солиқлар аслида асосий макроиқтисодий кўрсаткичнинг таркиби сифатида ЯИМ билан таъсири уч томонлама характерга эга бўлади.

Биринчиси, бу солиқлар моҳияти жиҳатидан иқтисодий муносабатларда ЯИМ ва жамият аъзолари (уни яратганлар)нинг даромади бўлган миллий даромадни тақсимлаш воситасида юзага келиб, солиқлар ўзининг бир марта тақсимлаб бўлинган ЯИМ (миллий даромад)ни қайта тақсимлайди ва шу орқали жамиятнинг макроиқтисодий ҳолатига таъсир қилади. Бунда агар ЯИМнинг кўпроқ қисмини давлат манфаатларига тақсимласа, у ҳолда умумий иқтисодий ҳолатга салбий таъсир қилади, аксинча, ЯИМдан давлат учун минимал зарур бўладиган қисмидан камроқ улушни давлат манфаатлари учун тақсимласа, у ҳолда давлатнинг фаолияти сусайиб кетади ва акс таъсир сифатида ишлаб чиқаришнинг ҳолатига ҳам салбий таъсир қилади.


Иккинчиси, солиқлар ЯИМ билан ўзаро боғлиқлиги унинг функциялари-фискал, рағбатлантирувчилик, тартиблаш ва қайта тақсимлаш функциясининг амал қилиши даражасига қараб ЯИМнинг даражасига таъсир қилади. ЯИМнинг даражасига таъсири ҳам бир неча йўналишларда, яъни, унинг таркибий тузилишини ўзгартириш, ЯИМнинг миқдорига таъсир қилиш, ЯИМ истъомол қилиниш даражасига таъсир этиш орқали амалга ошади. Учинчиси, солиқлар ялпи ички маҳсулот орқали бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолатига таъсир қилади.

Солиқлар ва ЯИМ ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги қайд этилган ҳолатлар билан бирга улар миқдорий корреляцион боғлиқликка ҳам эга. Шу боисдан, ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикасининг 2004-2017 йилларга тегишли бюджетга солиқ тушумлари ва ЯИМнинг миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттирувчи таҳлилий ҳисоб-китоблар шуни англададики, солиқлар ва ЯИМ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик доимо корреляцион боғлиқликда бўлади. Бюджетга солиқ тушумларининг бир маромда ошиб бориши ва ЯИМнинг ҳам бир маромда ошиб бориши шароитида бундай корреляцион боғлиқ ва уларнинг эластиклиги пропорционал тартибда кечади. Агар, ЯИМ ҳажми камайган шароитда солиқ тушумларининг ҳам ортиши давом этса, у ҳолда уларнинг боғлиқлиги регрессив характерга эгаллигини кўрсатади, бошқача айтганда солиқларнинг прогрессивлиги

ошганлигини билдиради, бу эса, ЯИМ ҳажми камайган шароитда ҳам солиқларнинг бюджетга жалб қилиниши ишлаб чиқариш соҳасида капитал жамғарилиши ва инвестицияни сусайтиришга олиб келади.

Диссертациянинг учинчи боби «Солиқ салоҳияти ва уни баҳолаш методологияси» деб номланган бўлиб, унда асосан солиқ салоҳиятини баҳолаш масалалари ёритилган. Диссертацияда таъкидланганидек, солиқларни прогноз қилиш асосида солиқ салоҳиятини аниқлаш ётади. Солиқ салоҳиятини тўғри аниқлаш эса, бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишини аниқлашда энг муҳим асос бўлиб ҳисобланади. Солиқ салоҳиятининг даражаси ва унга асосланган ҳолда прогноз кўрсаткичларига қараб давлат ялпи ички (худудий) маҳсулот ва даромадларни қайта тақсимлаш сиёсатини амалга оширади. Диссертация ишида солиқ салоҳиятга оид иқтисодчи олимларнинг илмий ёндашувлари таҳлил қилинган ҳолда куйидаги такомиллаштирилган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

*Солиқ салоҳияти*- миллий хўжалик, ҳудудлар, юридик ва жисмоний шахс сифатида солиқ мажбурияти юклатилган шахсларнинг давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати доирасида ҳамда амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича ўзларига юклатилган солиқ мажбуриятларини тўлаш имконияти, шунингдек, давлат томонидан солиқларнинг адолатлилиқ тамойили бузилмаган ҳолда бюджетга максимал даражада солиқларни жалб этиш мумкин бўлган имкониятдир. Солиқ салоҳияти бир томондан давлат бюджетига солиқ тушумлари келиб тушишининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда муҳим восита бўлса, ўз навбатида, давлат бюджети ҳам ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга, барометр вазифасини ўтайди.



4-расм. Солиқ салоҳияти ва бюджет тизимининг ўзаро алоқадорлиги<sup>10</sup>


<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Бюджетлар орқали бир худуддан олинган маблағларни инвестиция қилиш орқали худудларнинг солиқ салоҳияти бўйича ўзаро табақалашуви чуқурлашишининг олди олинади. Бундан ташқари, давлат бюджети солиқ салоҳиятининг умумий ва реал ҳажмини ҳам ўлчаб беради. Солиқ салоҳияти ва бюджет тизими ўртасидаги ўзаро нисбат ва акс таъсир муносабатлари самарадорлигини солиқларнинг адолатлилик тамойилининг мувозанат сифатида ўрнатилиши ва намоён бўлишидир.

Давлат аниқланган солиқ салоҳиятининг маълум бир қисмини солиқ сиёсатини юритиш орқали турли даражадаги бюджетларга жалб қилиш билан бирга солиқ салоҳиятининг «эгалари»-солиқ тўловчиларнинг ўзларига турли тартибда унинг бир қисмини уларга киритилган марказлаштирилган инвестициялар, субсидиялар, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ва трансферт тўловлари сифатида қайтариб беради. Бу механизмдан шуни англаш мумкинки, фикримизча, солиқ салоҳиятининг умумий ва реал шаклини англаш лозим, бу бир томондан, солиқ салоҳиятининг давлат ва уларнинг эгалари ўртасида тақсимланиш жараёнларини ҳам миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан кўрсатиб берса, бошқа томондан, солиқ прогнози ва солиқ салоҳиятига бевосита боғлиқликда бўлган солиқ юки даражаси ва унга оид давлат сиёсатининг йўналишларини ишлаб чиқишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, мазкур бобда солиқ салоҳияти даражасига таъсир этувчи омиллар маълум бир мезонларига кўра гуруҳлар, яъни иқтисодий, молиявий ва бошқа омилларга ажратилиб, уларнинг таъсир даражалари назарий жиҳатдан асослаб берилди. Мазкур омиллар турли даражадаги солиқ салоҳияти даражасига турлича таъсир кучига эга бўлиб, улар ўз навбатида бир-бирини тўлдириб туриши билан бирга уларнинг ўзлари ҳам ўзаро таъсирда бўлади, улар умумий ҳолда солиқ салоҳиятининг даражасини белгилаб боради.

Солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омиллар орасида молиявий омилларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар солиқ салоҳиятининг ҳажмига тез таъсир этади. Буларнинг орасида бюджет-солиқ сиёсатининг мазмуни ва унинг йўналишлари (харажатларнинг тақсимланиши, солиқ ставкалари, имтиёзлари белгиланиши муҳим ўрин тутди. Молиявий омиллар жумласидан пул-кредит сиёсати ҳам тез таъсирчан омиллар жумласидан бўлиб, пул агрегатларининг ҳажми, фоиз ставкаси (қайта молиялаш ставкаси)нинг даражаси, кредит ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариш соҳасига молиявий ресурсларни таклиф қилиш (кредитлаш) механизмлари иқтисодиётда пул шаклидаги молиявий ресурсларнинг даражаси ва ҳолатини белгилаб беради, провардида эса, ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, янгидан солиқ салоҳиятларининг вужудга келишига таъсир этади. Аммо, таъкидлаш лозимки, бу ерда монетар инструментлар иккиёқлама таъсир кучига эга бўлади.



5-расм. Солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омишлар таснифи<sup>11</sup>


<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Агар давлат фоиз ставкасини оширса, пулга талаб камайиб, ишлаб чиқариш секторидagi жамғарма шаклида (шунингдек, валюта шаклидаги)ги пул маблағларининг реинвестициялашуви тезлашиб, ўлик ҳолатдаги молиявий ресурсларнинг фойдаланиш коэффициенти ошади, аксинча, фоиз ставкаларининг ҳаддан зиёд пасайиши эса иқтисодиётга бир (ёки бир неча) марталик фойдали молиявий ресурсларнинг кўпайишига олиб келади, ammo қисқа вақт давомида салбий таъсирни келтириб чиқаради.

Диссертациянинг «Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш» номли тўртинчи бобда солиқ тушумларини прогноз қилишнинг методолик муаммолари, солиқ тушумларини прогноз қилишда натижага таъсир этувчи омилларнинг қисқа ва узоқ муддатли ўзаро боғлиқлик ҳолати бўйича эконометрик таҳлилларга асосланган ҳолда солиқларни прогноз қилиш йўналишлари, солиқ тўловчи корхоналарда солиқ тўловларини режалаштиришнинг янги инновацион услублари, турли даражадаги солиқ салоҳиятини ҳисоблаш (баҳолаш) методологияси, прогноз жараёнида таъсир этувчи омилларни баҳолаш методологияси, солиқ турлари бўйича солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-амалий фикрлар илгари сурилган.

Ҳар қандай мақсадли жараёнларни амалга оширишнинг муҳим шартининг алгоритмик қурилишини тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Шу мақсадда биз тадқиқот ишимиз доирасида «Солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий модели»ни ишлаб чиқдик ва унда прогноз қилишнинг барча ташкилий-услубий жиҳатларини акс эттирдик. Умумий тартибда солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий ва амалий жараёнининг ўзини ташкилий, таҳлилий, амалга ошириш ва якуний босқичлардан иборат бўлади. Мазкур ҳар бир босқичларнинг ўзи ҳам маълум бир кетма-кетликка асосланган элементлардан иборат бўлади. Ташкилий босқич прогноз жараёнининг дастлабки даври бўлиб, унинг даражаси эса, солиқларни прогноз қилишнинг кейинги босқичларининг натижаларига бевосита таъсир этади.

Солиқларни прогноз қилишнинг таҳлилий босқичида зарур бўладиган ахборот ва кўрсаткичлар уларнинг муҳимлиги ва ишончлиги бўйича гуруҳлаш, ўз навбатида, амалий босқичдаги прогнознинг мақсадидан келиб чиқиб прогноз қилиш моделлари танлаш, танланган ҳар бир моделларнинг прогнознинг қайси даврида фойдаланиш ва солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларни гуруҳлаш ва таъсири баҳолаш, миллий, ҳудудлар ва солиқ тўловчилар кесимида солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ва солиқ салоҳияти даражасини аниқлаш сингари жараёнларни осонлаштиради, провардида якуний босқичда аввал олинган вариантлардаги ҳатоликлар кўриб чиқилиши, энг оптимал вариант танлаш ва унга асосланиб, бюджет даромадлари режаси тузишга ижобий таъсир этади (6-расм).



6-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг ташкилий-услубий модели<sup>12</sup>

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тузилган.



Ҳозирги вақтда республикаимиз бюджет-солиқ тизимида солиқларни прогноз қилиш жараёнида қўлланилаётган модель ва усулларнинг аксарияти солиқ тизимининг ўзгарувчан ҳолатига етарлича мослашмай қолмоқда, ўз навбатида эса, амалиётда қўлланилаётган усулларни янада такомиллаштирилиши тақозо этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, диссертация ишида ҳозирги кунда тадқиқот жараёнида ҳозирги кунда ҳаҳон амалиётида кенг самарали моделлардан бири сифатида қўлланилиб келинаётган «Оралик тақсимланган авторегрессия модели» (ARDL model-autoregressive distributed lag model) асосида дастлаб муҳим омиллар: ялпи ички маҳсулот ҳажми, рўйхатдан ўтган корхоналар сони, жами солиқ тўловчилар (солиқ мажбуриятлари юклатилганлар) сони, солиқ тўловчиларига берилган солиқ имтиёзлари миқдори, давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик сўммаси, инфляция даражаси ва ўртача солиқ ставкаси, каби кўрсаткичларнинг солиқ тушумлари ҳажмига таъсири регрессион ва коррелацион эконометрик таҳлиллар асосида ўзаро боғлиқлик ҳолатда таҳлил қилинди.

Унга кўра давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик сўммаси ( $\log(NRE)$ ) ва жами солиқ тўловчилар (солиқ мажбуриятлари юклатилганлар) сони ( $\log(NTL)$ ) каби ўзгарувчи кўрсаткичлар бирламчи тафовутда бўлиб, ARDL модели ёрдамида биринчи даражали тафовутга эга бўлган узоқ муддатли коинтегарция (ўзаро боғлиқлик) даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги функция шакллантирилди:

$$\Delta \log BRFI_t = \alpha_0 + \alpha_1 \Delta \log BRFI_{t-1} - \alpha_2 \Delta \log NRE_{t-1} + \alpha_3 \Delta \log NTL_{t-1} + u_t$$

Бу ерда:

$\alpha_0$ - ўзгармас,  $u_t$ - стандарт хатолик,  $\alpha_1, \dots, \alpha_3$  қисқа муддатли эластиклиги.

Таҳлилларни давом эттириш мақсадида ARDL моделидан фойдаланиб, узоқ муддатли боғланиш тести ўтказилди. Дастлаб, оралик ўлчов(лаг)лар орқали ARDL коэффициенти аниқланди ва қуйидагича кўринишга эга бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

ARDL (2,2,2) коэффициенти

| Ўзгарувчилар    | Коэффициент | Стандарт хатолик | t-статистика | Эҳтимолик даражаси* |
|-----------------|-------------|------------------|--------------|---------------------|
| $\log BRFI(-1)$ | -0.309249   | 0.232814         | -1.328309    | 0.2207              |
| $\log BRFI(-2)$ | -0.430791   | 0.193897         | -2.221750    | 0.0570              |
| $\log NRE$      | -1.084715   | 0.925729         | -1.653121    | 0.0001***           |
| $\log NRE(-1)$  | 0.041987    | 1.629173         | 0.025772     | 0.9801              |
| $\log NRE(-2)$  | 4.274451    | 1.599454         | 2.672444     | 0.0283              |
| $\log NTL$      | 2.287929    | 0.699911         | 3.268884     | 0.0114**            |
| $\log NTL(-1)$  | 1.342747    | 0.943163         | -1.423664    | 0.1924              |
| $\log NTL(-2)$  | 2.579714    | 0.979751         | -2.633030    | 0.0300              |
| C               | 0.085843    | 0.048470         | 1.771068     | 0.1145              |

\*Изоҳ. Эҳтимолик 1 %, 5 %, 10 %

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ARDL коэффицентлари, жумладан, жами солиқ тўловчилар (солиқ мажбуриятлари юклатилганлар) сони (log(NTL) солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичи ҳажмига ижобий (ошиши) солиқ тўловчилар (солиқ мажбуриятлари юклатилганлар) сони коэффицентлари эса салбий таъсир кўрсатган. Солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик сўммасининг 1 фоизга ошиши солиқ тушумлари ҳажмининг 1,084715 фоизга камайишига олиб келса, ўз навбатида солиқ тўловчилар (солиқ мажбуриятлари юклатилганлар) сони коэффицентининг бир фоизга ошиши эса, солиқ тушумлари ҳажмининг 2,287929 фоизга ошишига олиб келади. Таҳлилларимиз натижасини аниқроқ текшириш мақсадида ARDL моделида омилларнинг кичка ва узок муддатли боғлиқликда бўлиш жараёни текшириб кўрилди.

4-жадвал

**ARDL коинтеграцияси ва узок муддатли боғлиқлик тести**


| Ўзгарувчилар                                                          | Коэффицент | Стандарт хатолик | t-статистика | Эҳтимолиги* |
|-----------------------------------------------------------------------|------------|------------------|--------------|-------------|
| D(DlogBRFI(-1))                                                       | 0.430791   | 0.193897         | 2.221750     | 0.0570      |
| D(DlogNRE)                                                            | -1.084715  | 0.925729         | -1.653121    | 0.0001***   |
| D(DlogNRE(-1))                                                        | 4.274451   | 1.599454         | 2.672444     | 0.0283      |
| D(DlogNTL)                                                            | 2.287929   | 0.699911         | 3.268884     | 0.0114**    |
| D(DlogNTL(-1))                                                        | 2.579714   | 0.979751         | 2.633030     | 0.0300      |
| CointEq(-1)                                                           | -1.740041  | 0.358162         | -4.858254    | 0.0013      |
| $Cointeq = DlogBRFI - (6.5522 * DlogNRE - 3.5691 * DlogNTL + 0.0493)$ |            |                  |              |             |
| Узок муддатли коэффицентлар                                           |            |                  |              |             |
| Ўзгарувчилар                                                          | Коэффицент | Стандарт хатолик | t-статистика | Эҳтимолиги* |
| DlogNRE                                                               | -1.552233  | 1.344254         | -1.874253    | 0.0012***   |
| DlogNTL                                                               | 3.569106   | 0.921920         | 3.871383     | 0.0047***   |
| C                                                                     | 0.049334   | 0.025996         | 1.897776     | 0.0943      |

\*Изох. Эҳтимолик 1 %, 5 %, 10 %

Келтирилган 4-жадвалдан кўринадики, хатоликлар тўғирлангандан сўнг ҳам юқоридаги ҳолат такрорланганлигини кузатиш мумкин. Узок муддатли боғлиқлик тести доирасида таҳлил қилганимизда давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик сўммаси солиқ тушумлари ҳажмига салбий таъсири омилнинг бир фоизга ошиши солиқ тушумининг 1,552233 фоизга камайишини таъминласа, солиқ мажбуриятлари юклатилганлар сонининг бир фоизга ошиши эса, солиқ тушумларининг ҳажмига ижобий таъсири 3,569106 фоизга тенг бўлишини кўрсатди. Юқоридаги амалга оширган таҳлиллар натижаларининг ишончлилигини текшириш мақсадида ўтказилган диагностика тестлари кўрсатадики, регрессион колдиклар йиғиндиси ва регрессион колдиклар квадратлар йиғиндиси 5 фоизли муҳим аҳамиятли

даража чегарасидан чиқмаган ҳолда мазкур чегара оралиғида тебранганлиги биз танлаган модель барқарорлигини кўрсатади.

Тадқиқот доирасида солиқ мажбуриятлари юклатилган солиқ тўловчилар сони, солиқ тўловчиларга берилган жами солиқ имтиёзлари, жами солиқ қарздорлиги, ўртача солиқ ставкаси каби муҳим омилларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган ҳолда эконометрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланди (7-расм).



7-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига солиқ тушумларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари

Таъкидлаш жоизки, мазкур прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистонда қабул қилинган солиқ сиёсатини ривожлантириш концепциясининг умумий йўналишларига мувофиқ келади. Шунингдек, мазкур прогноз кўрсаткичлари тадқиқот жараёнида келтириб ўтилган ҳозирги кунда жаҳон амалиётида кенг самарали моделлардан бири сифатида қўлланиб келинаётган «Оралиқ тақсимланган авторегрессия модели» (ARDL model-autoregressive distributed lag model) доирасидаги ҳулосаларимизни ҳам тасдиқлади.

Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар, эркин иқтисодий фаолият юритади. Улар ўзларининг молиявий сиёсатини ишлаб чиқади. Бу молиявий сиёсати таркибида эса солиқларни режалаштириш ҳам ўрин олади. Шу боисдан корхоналарда солиқларни режалаштириш механизмлари корхоналарнинг индивидуал ёндашувларига боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда

тадқиқот иши жараёнида корхоналарда солиқ мажбуриятларини бажариш модели ишлаб чиқилди.

Фикримизча, корхоналарда молиявий режалаштириш, ҳисоб-сиёсати, маркетинг стратегик режаси, харажатларни бошқариш стратегияси, молиявий натижаларни тақсимлаш сиёсати, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш тамойиллари солиқларни режалаштириш жараёни билан узвий ҳолда олиб борилиш асосида корхоналарда солиқ мажбуриятларини бажариш моделга мувофиқ ўзларига юклатилган солиқ тўловларини режалаштириш ишларини ташкил қилиш, корхонанинг молиявий бошқарув жараёни самарадорлиги ошишига эришилади.

Бугунги кунда Республикамиз бюджет-солиқ тизимида солиқ салоҳиятини аниқлашнинг ягона услубиёти бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган, ваҳоланки, бюджетнинг солиқли даромадларини режалаштиришда ҳам бу жараён унчалик эътиборга олинмайди. Бу борадаги муҳим муаммолардан бири миллий ва ҳудудий доирада солиқ салоҳиятини баҳолашнинг услубиётининг мавжуд эмаслиги ёки талаб даражаси эмаслигидир. Шу боисдан тадқиқот жараёнида миллий ва ҳудудий даражада солиқ салоҳиятини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилдики, улар қуйидаги хусусиятларга эга:

Солиқ салоҳияти аввало, миллий иқтисодиёт даражасида аниқлаш муҳим бўлади. Солиқ салоҳиятни миллий иқтисодиёт доирасидаги ҳажмини аниқлаш учун эса қуйидаги формулани таклиф этилади:

$$\text{Умумий } \text{CC} = ((\text{ЯИМ}) - (\text{ЯИМ}_{\text{стм}}) * (\text{ЯИМ}_{\text{ўк}}) * (\text{ЎСС}) \quad (1)$$

Бу ерда:

ЯИМ - ялпи ички маҳсулот;

ЯИМ<sub>стм</sub> - ЯИМнинг солиққа тортилмайдиган қисми;

ЯИМ<sub>ўк</sub> - ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициенти;

ЎСС - ўртача солиқ ставкаси.

$$\text{Ўз навбатида } \text{ЯИМ}_{\text{стм}} = \text{ЯИМ} - \text{СИ} - \text{СҚ} - \text{ДСТ} \quad (2)$$

Бу ерда:

СИ - солиқ қонунчилиги бўйича берилган солиқ имтиёзлари сўммаси;

СҚ - солиқ тўловчилар томонидан бюджетга солиқ тўловлари бўйича жами қарзорлик сўммаси;

ДСТ - турли хил сабабларга кўра баҳсли тарздаги солиқ сўммалари ҳажми.

Миллий иқтисодиёт даражасида солиқ салоҳиятини аниқлашнинг бошқача усул билан ҳам ҳисоблаш мумкин. Мазкур усул реал солиқ салоҳиятини аниқлашга хизмат қилади. Яъни:

$$\text{РСС} = (\text{ЯИМ} * \text{СЮ}_{\text{ўр}}) - (\text{ДБИХ}) - (\text{БИ}) - (\text{БТ}) - (\text{СК}) - (\text{СИ}) \quad (3)$$

Бу ерда:

РСС - реал солиқ салоҳияти;

СЮ<sub>ўр</sub> - ўртача солиқ юки даражаси (%да);

ДБИХ - давлат бюджетидан бюджет ташкилоти ходимларига ажратилган иш ҳақи харажатлари;

БИ - бюджетдан қилинган марказлаштирилган инвестицияларга қилинган харажатлар;

БТ - бюджетдан юридик ва жисмоний шахсларга берилган трансферт тўловлар сўммаси;

СҚ - солиқ тўловчилар томонидан солиқ қарздорлиги сўммаси;

СИ - солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари сўммаси.

Миллий иқтисодиёт даражасида солиқ салоҳияти ҳажмини аниқроқ аниқлаш учун эса, унинг ялпи кўрсаткичларини аниқлаш етарли бўлмайди. Бунинг учун эса ҳудудий, тармоқ ва корхоналар доирасидаги солиқ салоҳиятини аниқлашни тақозо этади.

Худудий солиқ салоҳиятини аниқлашдан яна бир мақсад бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда ҳудудларнинг ҳақиқий имкониятларини аниқлаш керак бўлади. Мазкур усул эса, ҳудудга нисбатан давлатнинг бюджет сийёсатининг йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Ўз навбатида, охириги беш йил давомида ҳудуд маҳаллий бюджети ва унда жойлашган корхона ва аҳолига юқори бюджетдан берилган трансферт тўловларини солиқ ресурслари таркибида ҳисобга олиш керак. Сабаби бу маблағлар трансферт тўловини олувчиларнинг даромадлари манбаи сифатида ҳудуднинг молиявий ресурсларини кўпайтиради.

Корхоналар доирасида солиқ салоҳиятини аниқлаш прогноз жараёнининг энг муҳим зарурий шarti ва мураккаб бўғинидир. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни содир бўлади, фойда шаклланади, қўшилган қиймат асосан корхона кесимида юзага келадики, булар солиқ салоҳиятининг барча даражалари учун муҳим манба ҳисобланади. Аммо корхона доирасида солиқ салоҳиятини аниқлаш миллий ва худудий даражадан фарқли равишда анчайин қийин жараёндир. Чунки, корхонадаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига жуда кўп омиллар таъсир этади, улар эса корхонанинг молиявий фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Корхоналар доирасида солиқ салоҳиятини аниқлаш қуйидаги икки усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчи усулнинг моҳияти шундаки, у корхонанинг молиявий кўрсаткичларининг корхонага келиши ва чиқиб кетишига асосланади, яъни:

$$КСС = ЯТ + БТ + ДММ + ТМ - СҚ - ДҚ \quad (4)$$

Бу ерда:

КСС - корхонанинг солиқ салоҳияти;

ЯТ - ялпи тушум (даромад) ҳажми;

БТ - бюджетдан олинган молиявий ёрдам (қайтарилмайдиган) ҳажми;

ДММ - даъво муддати ўтган ва корхонага балансига қабул қилиш мумкин бўлган маблағлар ҳажми;

ТМ - юқори ташкилот ёки давлат томонидан текинга берилган мол-мулк ва номоддий қийматликлар;

СҚ - солиқ қарздорлиги сўммаси;

ДҚ - шубҳали (дебитор) қарзлар сўммаси.

Корхоналарнинг солиқ салоҳиятини аниқлашнинг кейинги усули сифатида солиқ базасига асосланган ҳолда солиқ салоҳиятини баҳолашнинг куйидаги механизми келтирилади:

$$КСС = \sum СБ * \dot{У}СС * \dot{У}ИД * (\pm ТК) \quad (5)$$

Бу ерда:

$\sum СБ$  - корхона тўлайдиган барча солиқлар ва мажбурий тўловларнинг солиқ базаси ҳажми (сўмда);

$\dot{У}СС$  - корхонага нисбатан ўртача солиқ ставкаси (фонзда);

$\dot{У}ИД$  - ўртача инфляция даражаси (коэффициентда).

ТК - тузатувчи коэффициент.

Ушбу усулда энг муҳим жараён солиқ базаларини тўғри аниқлаш ҳамда тузатувчи коэффициентларни қўллаш ҳисобланади. Ушбу тузатувчи коэффициентлар камайтирувчи ва оширувчи характерда бўлиши мумкин. Агар корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми охиригача уч ёки беш йилда ўсиш тенденциясига эга бўлса, у коэффициентларда (аввалги йилларга нисбатан) ҳисобланиб, солиқ салоҳияти натижасига кўпайтирилади, агар ишлаб чиқариш жараёнида камайиш бўлса, тескари ҳолат қўлланилади.

Муаллифнинг фикрича, солиқларни прогноз қилиш жараёнида ҳар қайси солиқ тури кесимида омилларнинг таъсирчанлик даражаларининг муҳимлик коэффициенти кўпайтирилади қўллаш услубий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Тадқиқотларимиз доирасида солиқ тушумларини тўғри прогноз қилиш жараёнидаги энг муҳим босқич бу прогноз кўрсаткичларига омилларни баҳолашнинг концептуал ёндашувимиз асосида «Солиқларни прогноз қилишда омиллар таъсирининг корреляцион боғлиқлик жадвали»ни ишлаб чиқдик.

Мазкур корреляцион боғлиқлик ҳар бир солиқ турлари бўйича бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишига таъсир этувчи омилларни асосий ва асосий бўлмаган турларга ажратилган ҳолда ҳар бири омилнинг коэффициент кўрсаткичлари аниқланган. Бунда барча омиллар таъсирининг умумий даражаси 1,0 коэффициентга тенглаштирилган ҳолда ҳар бир омилнинг таъсири унинг даражасининг ошиши ёки камайишига хизмат қилади. Чунки, солиқ турининг ички моҳиятига кўра омилларнинг таъсир доираси ҳам фарқланади. Бундай ёндашув, бир томондан, ҳар бир солиқ тури кесимида солиқ тушумлари прогнозига таъсир этувчи омилларни турларга ажратиб, уларнинг таъсир даражасини коэффициентларда аниқлаш имконини беради ва солиқ тушумларини прогноз қилишнинг аниқлигини оширишга муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади.

## ХУЛОСА

1. Башорат ва прогноз каби тушунчалар илмий категориялар сифатида ўхшаш бўлса—да, аммо жараён (ҳодиса, муносабат, воқелик)ларнинг келгусидаги ҳолатини изоҳлашда ички мазмуни жиҳатдан фарқланади. Бу фарқланиш уларнинг моҳияти билангина эмас, шунингдек, уларда қўлланиладиган усул ва натижаларнинг ишончлилиги билан фарқланади. Прогноз тушунчаси башоратдан илмий асосланганлиги, қонуниятларга, таҳлиллар ва мушоҳадаларнинг тартибли амалга оширилишига асосланиши билан фарқли хусусиятларга эга бўлади.

2. Солиқларни прогноз қилишнинг объектив зарурлигининг негизи аввало марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилишига боғлиқ бўлади ва фискал сиёсатнинг асосий ўзагини ташкил этади. Солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёни бошқа иқтисодий жараёнлардан алоҳида муҳим фарқи ва мураккаблиги шундаки, солиқни прогнозлаш жараёни бир томондан юқори эҳтимолликка асосланса, бошқа томондан ушбу жараёни тўғри амалга ошириш жуда кўплаб омилларнинг таъсирини тўғри баҳолаш ва чуқур илмий таҳлилларга асосланган ҳолда оқилона қарор қабул қилишни талаб этади.

3. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш жараёнида энг муҳим нарса бу уни ташкил этиш ва амалга ошириш тамойилларидир. Солиқларни прогноз қилиш тамойилларининг белгиланишига қараб уни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиблари белгиланади. Солиқларни прогноз қилиш тамойилларини аниқ белгилаш ва уларга асосланиш солиқларнинг фискал хусусиятини таъминлашга олиб келади, прогноз жараёнини амалга оширишнинг умумий йўналишларини тавсифлайди, унинг қонуниятларини кўрсатиб беради, бинобарин, солиқларни прогноз қилишнинг умумий тенденцияларини аниқлаш прогноз жараёнининг аниқлигини таъминлайди.

4. Солиқларни прогноз қилиш жараёнида энг муҳим босқичлардан бир бу уни амалга оширишда қўлланиладиган модель ва усулларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Солиқларни прогноз қилиш жараёнини соддалаштириш, унинг натижаларининг аниқлигини ошириш ҳамда мақсадга эришиш учун маълум модель ва усулларни тўғри танлаш, улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Модель ва усулларни гуруҳлаш ҳамда уларнинг хусусиятларини англаш, шу асосда прогнознинг мақсади ва унинг қамраб олинishi даражасини аниқлаб уларнинг мантикий уйғунлигини таъминлаш мақсадга эришишнинг муҳим қадамларини ифодалайди. Бу борада эса прогнозда қўлланиладиган усулларни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.

5. Солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш методологиясида солиқ салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Солиқ салоҳиятини объектив баҳолаш турли даражадаги бюджетларни тузишда ҳам асосий манба бўлиб хизмат қилади. Солиққа тортиш жараёнида солиқ базасини аниқлаш солиқларни тўғри ҳисоблашнинг энг муҳим шarti ва босқичи ҳисобланса, солиқ салоҳияти ҳам солиқларни прогноз қилиш жараёнидаги ўрни худди солиқ базаси

сингаридир. Солиқ салоҳиятининг шаклланиши ва унинг динамик ўзгаришига ҳам турли омиллар таъсир қилади, бундай омилларнинг таъсирини баҳолаш зарурати ҳам солиқ салоҳиятини аниқлаш жараёни мураккаб таҳлил ва ҳисоб-китобларни талаб қилишни англайди. Солиқ салоҳиятининг омиллари иқтисодий, молиявий, социал-демографик, табиий-географик, миллий минтақитет, тарихий ва сиёсий омилларга бўлинади.

6. Солиқларнинг йиғилувчанлиги, ўз навбатида солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши даражасини ҳам ифодалайди. Солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси, бир томондан, солиқ тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг ижобий бажарилишини ифодаласа, бошқа томондан, солиқ қарздорлигининг бюджет даромадлари ҳажмига салбий таъсир этганлигини ҳам тавсифлайди.

7. Солиқлар ва ЯИМ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик доимо корреляцион боғлиқликда бўлади. Бюджетга солиқ тушумларининг бир маромда ошиб бориши ва ЯИМнинг ҳам бир маромда ошиб бориши шароитида бундай корреляцион боғлиқ ва уларнинг эластиклиги пропорционал тартибда кечади. Агар ЯИМ ҳажми камайган шароитда солиқ тушумларининг ҳам ортиши давом этадиган бўлса, уларнинг боғлиқлиги регрессив характерга эга бўлади, бошқача айтганда солиқларнинг прогрессивлиги ошганлигини билдиради ва у ЯИМ ҳажми камайган шароитда ҳам солиқларнинг бюджетга жалб қилиши ишлаб чиқариш соҳасида капитал жамғарилиши ва инвестицияни сусайтиради. Албатта уни тартиблаш давлатнинг солиқ сиёсатида қандай тактикалардан фойдаланишига боғлиқ бўлади.

8. Ўзбекистон бюджет-солиқ тизимида бюджетнинг даромадлари қисмини шакллантириш мақсадида солиқ тушумларини прогнозлаш жараёнининг амалий ҳолатида бир қатор муаммолар: солиқларни прогноз қилиш жараёнини амалга оширишни амалга оширувчи ваколатли органларнинг функциялари старлича аниқ эмаслиги, солиқ тушумларини прогноз қилиш борасидаги ягона ахборот базаси старлича шакллантирилмаганлиги, бу жараёнда амалиётда қўлланиб келинаётган усуллар ва электрон дастурлар бугунги кун талабаларига жавоб бермай қолаётганлиги, давлат солиқ хизмати органларидаги таҳлил ва прогнозга оид алоҳида бўлинмалар ҳамда молия органларининг функционал вазибалари солиқ тушумларини прогноз қилишдан узоқ бўлиб қолаётганлиги, бюджетни режалаштириш билан солиқларни прогноз қилиш жараёнининг боғлиқлик даражаси старли эмаслиги, қуйи буғинларда бюджетни режалаштириш ва солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнлари алоҳида-алоҳида амалга ошириб келинаётганлиги, маҳаллий бюджетларни режалаштиришда ҳудуднинг солиқ салоҳияти эътиборга олинмай қолиниши, маҳаллий бюджетларни режалаштиришда «харажат»ли ёндашуви, юқори бюджетларни режалаштиришда «даромад»ли ёндашувнинг амалга оширилиши маҳаллий ҳокимиятларнинг ички молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг рағбатлантирувчилик механизми ишламаслигини келтириб чиқараётганлиги, солиқ тушумларини прогноз қилишда умумий ҳамда ҳар бир солиқ тури бўйича омилларнинг таъсири старлича баҳоланмаслиги, энг муҳими бу



республикамиз бюджет-солиқ тизимида солиқ тушумларини прогноз қилишнинг ягона тизимли услуги мавжуд эмаслиги ва унинг ҳуқуқий асосларининг етарли эмаслиги сингари муаммолар солиқларни прогноз қилиш жараёнини тубдан такомиллаштиришни тақозо этади.

9. Республикамиз солиқ-бюджет тизимида солиқларни прогноз қилиш макродаражада амалга оширилса, бюджетни режалаштириш (тузиш) жараёни эса қуйидан юқорига қараб амалга оширалади. Бу эса, ушбу икки муҳим жараённинг бир-бирига боғлиқлик ҳолатини сусайтиришга олиб келмоқда ва бюджет даромадларини реал режалаштиришга тўсқинлик қилмоқда. Шу боисдан ҳам солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини ҳам қуйидан юқорига қараб иерархияли тарзда амалга ошириш механизмларини жорий этиш лозим, бу борада солиқ хизмати органларининг тегишли бўлинмалари вазибаларини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади.

10. Республикамиз солиқ-бюджет тизимида солиқ салоҳиятини баҳолашнинг аниқ услуги расмий жиҳатдан мавжуд эмас. Фикримизча, миллий иқтисодиёт, ҳудудлар ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш ва бу бўйича тегишли меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш лозим. Фикримизча, биз тақлиф этаётган миллий иқтисодиёт, ҳудудлар ва солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш методологияси ушбу меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишда муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

11. Ҳозирги кунда республикамиз молия-солиқ тизимида амалиётда солиқларни прогноз қилиш жараёнида амал қилинадиган тамойиллар ишлаб чиқилмаган, бу прогноз қилиш жараёнини ташкил қилиш ва уни сифатли бажаришга тўсқинлик қилмоқда. Фикримизча, тадқиқот ишимизда назарий-услубий жиҳатдан асосланган қуйидаги: тўловга қобилиятлилик тамойили, миқдорийлик тамойили, ҳисобга олиш тамойили, тизимлилик тамойили, эҳтимолликдан аниқликка интилиш тамойили, прогнознинг ташкил этилиши ва амалга оширилиши прогнознинг мақсадига қаратилганлиги тамойили, доғмалиқдан узоқлашиш ва ўзгарувчанликка мойиллик тамойили, синтез ва таҳлилнинг ягоналиги тамойили солиқларни прогноз қилиш тамойилларига асосланиш солиқларни прогноз қилиш жараёнини тўғри ташкил этиш ва уни амалга оширишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

12. Солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнидаги муаммолардан бири прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражаларини баҳолаш ҳисобланади. Шу боисдан тадқиқот иши натижалари асосида ишлаб чиқилган «Солиқ тушумларини прогноз қилишда омиллар таъсирининг корреляцион боғлиқлик жадвали»га асосланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур услубийнинг аҳамияти шундаки, бир томондан ҳар бир солиқ тури кесимида солиқ тушумлари прогнозига таъсир этувчи омилларни турларга ажратиб, уларнинг таъсир даражасини коэффициентларда аниқлаш имконини беради ва солиқ тушумларини прогноз қилишнинг аниқлигини оширишга муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади.

13. Ҳозирги кунда амалиётда қўлланиб келинаётган энг кичик квадратлар усули ҳозирги тез ўзгарувчан жараёнларни эътиборга олган ҳолда оптимал прогноз кўрсаткичларини бера олмайди. Фикримизча, «Оралик тақсимланган авторегрессия модели»и (ARDL model-autoregressive distributed lag model) асосида амалиётда солиқ тизимида солиқ тушумларини прогноз қилиш солиқ тушумлари ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг узок муддатли ўзаро боғлиқлик ҳолатини ифодалашга хизмат қилади. Бунда кўп омилли ўзгаришларни боғлиқликда ўрганиш имконини беради. Таклиф этилаётган модель асосида прогноз кўрсаткичларини аниқлаш объективликни таъминлайди, шу жиҳатдан муаллифнинг ёндашуви ва таклифи амалий ва илмий жиҳатдан ўз моҳиятига эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.1.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ  
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХУДОЙКУЛОВ САДИРДИН КАРИМОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ  
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ**

**08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора экономических наук (DSc)

**Ташкент – 2019**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2019.1.DSc/Iqt168.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Алимарданов Мухамаджон Ибрагимович  
доктор экономических наук

**Официальные оппоненты:** Ташматов Шухрат Аманович  
доктор экономических наук, профессор

Пулатов Далшод Хакбердиевич  
доктор экономических наук

Хатамов Камил Раббимович  
доктор экономических наук

**Ведущая организация:** Ташкентский финансовый институт


Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ на заседании научного совета DSc.27.06.2017.I.15.01 по присуждению ученых степеней при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100000, город Ташкент, улица Маверанахр, 16, Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz)

С диссертацией доктора наук (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (регистрационный № \_\_\_\_). Адрес: 100000, город Ташкент, улица Маверанахр, 16, Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.

(протокол реестра № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

  
А.Ш. Бекмуродов  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.э.н.,  
профессор

  
У.В. Гафуров  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.э.н.,  
профессор

  
Н.М. Махмудов  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.э.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторский диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всех странах мира правильное планирование бюджетных процессов, и посредством этого осуществление финансирования соответствующих сфер, обеспечение нормального поступления денежных средств в доходную часть бюджета имеет важное значение. Это, в первую очередь, непосредственно зависит от правильного прогноза поступлений в бюджет налоговой выручки, именно неоптимальное с организационно-методологической точки зрения осуществление данного процесса приводит к высокому дефициту в исполнении бюджета. Согласно анализам престижных финансовых институтов<sup>1</sup>, в 2016-2017 годах дефицит государственного бюджета во всем мире составил в среднем 2,7 трлн. долл. США, общая нестабильность мировой экономики не дает возможности многим странам правильно планировать доходы государственного бюджета.

Сегодня в мире в сфере совершенствования методологии прогнозирования налоговых поступлений большое внимание уделяется таким научно-исследовательским направлениям, как прогнозирование процессов поэтапного поступления налоговой выручки в бюджеты, совершенствование математико-статистических подходов при прогнозировании уровня и состояния бюджетных затрат, анализ эффективности налоговой политики в странах с различным уровнем развития, управление бюджетного дефицита за счет изменения налоговой ставки по налогам. Кроме этого, в условиях сложного социально-экономического развития наблюдаются такие научные тенденции, как повышение влияния налоговой системы на экономический рост, прогнозирование налоговых поступлений в соответствии с уровнем государственного внешнего долга по отношению к валовому внутреннему продукту, реализация ожидаемых поступлений от налогов на основе макроэкономического анализа, совершенствование процессов кратко- и среднесрочного развития.

В современных условиях дальнейшее развитие и либерализация экономики заключается в повышении собираемости налогов и за счет этого нормального формирования бюджетных доходов. Однако: «Анализ показывает, что местные хокимияты, финансово-налоговые органы не используют в полной мере резервы для дополнительного поступления налогов в бюджет»<sup>2</sup>. В Указе Президента Республики Узбекистан от 18 июля 2017 года «О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей» определены такие задачи, как совершенствования

<sup>1</sup> [www.imf.org/ru/Publications/FM/Issues/fiscal-monitor](http://www.imf.org/ru/Publications/FM/Issues/fiscal-monitor).

<sup>2</sup> Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на совещании, посвященном вопросам увеличения поступлений в бюджеты регионов и обеспечения стабильности цен путем наращивания производства продукции, усиления персональной ответственности руководителей органов исполнительной власти, налоговых и финансовых ведомств на местах в предотвращении инфляции. [www://uz.z.uz/oz/laws/-06-06-2018](http://uz.z.uz/oz/laws/-06-06-2018).

процесса надежного прогнозирования налоговых поступлений в бюджет, обеспечение полного охвата объектов налогообложения на основе системного налогового потенциала регионов, оценка объективности и обоснованности прогноза показателей доходов Государственного бюджета с учетом особенностей и налогового потенциала регионов, а также наличие достаточных проблем в сфере качественного формирования прогноза доходов и совершенствовании этого процесса. В силу того, что сегодня местные бюджеты еще не полностью выведены из дотационного режима, не на должном уровне взаимосвязь между прогнозом налогов и процессом планирования бюджета, практически не уделяется внимание налоговому потенциалу при планировании доходов, что в свою очередь, требует формирование единого механизма, служащего обеспечению взаимосвязи между прогнозом налогов и процессом составления бюджета, разработку его научно-методических основ, а также решения новых методологических проблем.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, указанных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 18 июля 2017 года № УП-5116 «О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей», от 22 января 2018 года № УП-5308 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», от 29 июня 2018 года № УП-5468 «О концепции совершенствования налоговой политики Республики Узбекистан», Распоряжения Президента Республики Узбекистан от 13 февраля 2018 года № Р-5214 «Об организационных мерах по кардинальному совершенствованию налогового законодательства» и в других нормативно-правовых документах, регулирующих данную сферу.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «1. Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.** Научно-исследовательские работы, связанные с прогнозом налогов ведутся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности Federal Reserve System (FRS), The Administrative and Budgetary Administration (UN), The International Finance Corporation (IFC), International Development Association (IDA), US Congressional Budget Office, Department of Administrative Services – Office of Economic Analysis Oregon, Department of US Economic Development (CISA), Philippine Institute for Development

(Филиппины), Deutsches Institut für Wirtschaftsforschung (DIW, Германия), The Oxford Institute for Economic Policy (OXONIA, Англия), Economist intelligence Unit (EIU) (Англия), The Fraser Institute (Канада), Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН (Россия).

В научных исследованиях по дальнейшему совершенствованию процесса прогнозирования налоговых поступлений получены ряд научных результатов: на основе Canadian Finance Department's Canadian Economy Model (NAOMI, 2001) в Канаде сделан прогноз трехэтапного источника дохода федерального, муниципального и местного бюджетов, процессов поступления в бюджет налоговой выручки, а также на основе математико-статистических уравнений определены прогнозные показатели состояния бюджетных расходов; в рамках «Intergovernmental Macroeconomic Model of the UK National Institute for Economic and Social Research» (NiGEM, 2001) обоснован процесс анализа эффективности политики в налоговой системе Европейских странах, прогнозирование налогов по прямым и косвенным налогам, а также зависимость между процессом управления бюджетным дефицитом и изменением налоговой ставки по налогам; в модели под названием «Macroeconomic model of the International Monetary Fund» (MULTIMOD, 1998) раскрываются вопросы производственной деятельности и налогообложения капиталов при налогообложении предприятий, а также влияние прогнозных показателей налоговых поступлений на основе изменения отношения внешнего долга государства к валовому внутреннему продукту; анализы касательно проблем сокращения разницы между региональным подходом и его бюджетом при определении налогового потенциала регионов, а также научные исследования по оценке влияния повышения налоговой ставки в рамках отраслей на налоговое поступление за счет влияния на цену продукции осуществлены в рамках «Xaleeva-Walley model of taxation research» (2005).

В крупных научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях мира в сфере налогообложения, в том числе прогнозирования налоговых поступлений ведутся исследования по следующим приоритетным направлениям: оценка влияния международной торговли, энергетических проблем, инвестиций, особенно результатов финансово-экономического кризиса, который произошел в странах Европы, Латинской Америки, Ближнего Востока и Азии, на налоговые поступления, изучение взаимосвязи процесса кратко- и среднесрочного прогнозирования экономической деятельности крупных субъектов производства с прогнозом налоговых доходов государственного бюджета, комплексное прогнозирование, связанное с национальной экономикой, реализация ожидаемых поступлений от налогов на основе макроэкономического анализа, совершенствование процессов кратко- и среднесрочного развития, повышение действенной роли налоговой системы на экономический рост.

**Степень изученности проблемы.** Научно-методологические аспекты прогнозирования налоговых поступлений отражены в ряде научных работ зарубежных ученых-экономистов, таких как П.Самуэльсон, М.Романовский,

О.Врублевская, С.Попков, Г.Поляк, А.Поскачева, М.Астафьев, А.Королев, С.Анисимов, Т.Суркова, С.Анисимов, Д.Мельник, Н.Матрусов, А.Коломиец, А.Суглобов, Д.Черник, В.Едронова, М.Васильева, Е.Разник, И.Самсонова, Е.Лавренчук, С.Ефимов<sup>3</sup> и др.

